

ШХТ кенгайишининг иккинчи тўлкини: жараённинг баъзи хусусиятлари

Дмитрий Ефременко
Бехзод Норбоев

Аннотация. Мақолада ШХТнинг Ҳиндистон, Покистон ва Эрон аъзо бўлганидан кейинги тарихий ривожланиши таҳлил қилиниб, вазифалардаги ўзгаришлар, унинг муаммолари ва имкониятлари кўриб чиқилади. Асосий эътибор давлатлараро ҳамкорлик, иқтисодий жиҳатлар ва хавфсизлик масалаларига қаратилган, ШХТнинг минтақавий барқарорлик ва иқтисодий ҳамкорликдаги ўрни, Афғонистон муаммоларини ҳал этишга қўшган ҳиссаси муҳокама қилинади. Таянч иборалар: ШХТ, Марказий Осиё, минтақавий хавфсизлик, Россия ва Хитойнинг таъсири, ШХТнинг кенгайиши

Аннотация. В статье анализируется историческое развитие ШОС после присоединения Индии, Пакистана и Ирана, рассматриваются изменения в задачах организации, её вызовы и возможности. Акцент сделан на межгосударственном взаимодействии, экономических аспектах и вопросах безопасности. Обсуждается роль ШОС в региональной стабильности и экономическом сотрудничестве, а также её вклад в решение проблем Афганистана.

Ключевые слова: ШОС, Центральная Азия, региональная безопасность, влияние России и Китая, расширение ШОС

Abstract. The article analyses the historical development of the SCO after the accession of India, Pakistan and Iran, examines changes in the organisation's tasks, its challenges and opportunities. Emphasis is placed on interstate interaction, economic aspects and security issues. The role of the SCO in regional stability and economic co-operation, as well as its contribution to solving the problems of Afghanistan are discussed.

Key words: SCO, Central Asia, regional security, Russian and Chinese influence, SCO enlargement

2017 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тарихида янги босқич бошланди, бу Ҳиндистон ва Покистоннинг тўлақонли аъзолар сифатида қўшилиши билан боғлиқ эди. 2023 йилда Эрон ҳам ушбу ташкилотга тўлақонли аъзо бўлди. Шу муносабат билан ШХТ доирасида янги кучлар мувозанатини, вазифалар моҳиятини ва фаолият самарадорлигини ўзгаришини кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланишнинг аҳамияти ҳам кам эмас, бунда асосий ҳисса Ўзбекистон ва унинг раҳбари, президент Шавкат

Мирзиёевга тегишлидир. Ниҳоят, ШХТ фаолиятининг ўзгариши учун янги истиқболлар Афғонистон атрофидаги воқеалар у ердан АҚШ ва НАТО ҳарбий контингентлари чиқиб кетиши билан боғлиқдир.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг вазифаларининг ўзгариши

ШХТ ўз фаолиятининг дастлабки босқичида Хитой ва Совет Иттифоқи парчаланганидан сўнг мустақилликка эришган давлатлар ўртасидаги чегара муаммоларини ҳал қилиш учун институционал шаклни яратиш вазифасини муваффақиятли амалга оширди. Географик жиҳатдан ШХТ фаолияти бир қатор давлатларнинг сиёсий барқарорлигига таҳдидлар, шунингдек, Россия ва Хитой ўртасидаги жиддий рақобат хавфи мавжуд бўлган стратегик аҳамиятга эга Марказий Осиё минтақасига қаратилган эди. Уларнинг ШХТ доирасидаги ҳамкорлиги икки улкан давлат ўртасидаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга катта ҳисса қўшди; кейинчалик, меҳнат тақсимоти ва бир-бирини тўлдирувчи функциялар бўйича муҳокама қилиш учун асослар пайдо бўлди: Россия минтақа хавфсизлигини таъминлашда асосий ҳиссасини киритаётган бўлса, Хитой эса, савдо, сармоя ва инфратузилма қурилиши соҳаларида шубҳасиз етакчилик қилмоқда.

ШХТ 2005 йилдан кейин Марказий Осиёда хавфсизлик муаммоларига жиддий эътибор қаратиб, «рангли инқилоблар» билан боғлиқ янги таҳдидларга жиддий эътибор қаратади. Ҳукумрон тузумларни афдаришга қаратилган оммавий норозилик намоишларини четдан қўллаб-қувватлаш технологияси АҚШ ва бошқа Ғарб давлатлари томонидан собиқ совет минтақасида бир неча бор ишлатилган. Бироқ Марказий Осиё минтақасида ушбу технологиядан фойдаланиш Ғарбга геосиёсий дивидендлар келтирмади. Ҳатто 2005 ва 2010 йилларда бу каби сиёсий тўнтаришларни бошдан кечирган Қирғизистон ҳам анъанавий ҳамкорлар – Россия ва Хитой билан янада яқинроқ яқинлашиш сари ҳаракат қилди. Ўзбекистонда 2005 йилда сиёсий беқарорликка йўл қўйилган уриниш тўхтатилди ва шундан сўнг Тошкент АҚШнинг Қарши-Хонабод авиабазасидаги қўшинларининг мавжудлигини тўхтатишга қарор қилди. 2005 йили 5 июлда Остона шаҳрида ШХТ саммитида АҚШнинг Марказий Осиёдаги

ҳарбий базаларини олиб чиқиш муддатларини аниқлашга чақирилган баёнотини қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга эди; шу билан бирга, АҚШнинг ШХТда кузатувчи мақомини бериш ҳақидаги сўрови рад этилди. 2014 йилда АҚШ ҳарбийлари Қирғизистоннинг Манас аэропортини транзит пункти сифатида фойдаланишни тўхтатдилар (2009 йилгача у ерда АҚШ раҳбарлигидаги антитеррор коалициясининг базаси бўлган эди).

ШХТ давлатлари ўз олдларига ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузиш вазифасини қўймасдан туриб, Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигини таъминлаш ва беқарорлаштирувчи ташқи таъсирларни чеклашда сезиларли муваффақиятларга эришади. Бироқ ШХТ ўзаро савдо-сотиқ шартларини сезиларли даражада соддалаштиришга ва сармоя фаолиятини рағбатлантиришга имкон берадиган шаклга айланмаган бўлса-да, минтақада ШХТ иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беради.

2010 йиллар давомида постсовет ҳудудида ва шу билан бирга Евросиё қитъасида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Янги вужудга келаётган тузилмалар ва ташаббуслар ШХТ мамлакатларини иқтисодий ҳамкорлик ва ўзаро боғлиқликнинг янги тармоғига «ўрнатди». Бу даврнинг энг муҳим воқеалари орасида Россия, Беларус ва Қозоғистоннинг Божхона иттифоқини Евросиё иқтисодий иттифоқига ўзгариши (кейинчалик эса Арманистон ва Қирғизистон ЕОИИ аъзоси бўлишади), ХХР раиси Си Цзинпиннинг «Бир макон, бир йўл» ташаббусини шиор этиши, ва шу билан бирга Хитой ва Россия раҳбарларининг ушбу ташаббусни ЕОИИ доирасида интеграциялашув жараёнларини бирлаштириш тўғрисидаги воқеаларни таъкидлаб ўтиш лозим. Концептуал даражадаги ушбу фундаментал жараёнлар Россия мутахассислари томонидан энг муҳим геосиёсий ўзгаришлар, яъни «Катта Евросиё» макроминтақасининг шаклланишининг бошланиши сифатида деб изоҳлайдилар [1; 2; 3]. 2016 йилнинг июнь ойида Санкт-Петербург иқтисодий форумида Россия президенти Владимир Путин ЕОИИга нисбатан ташқи интеграция кўринишига айланиши мумкин бўлган Катта Евросиё ҳамкорлигини шакллантириш истиқболи ҳақида таъкидлаб ўтди. Путиннинг сўзларига кўра, ЕОИИдан ташқари, МДХ,

Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва бошқа манфаатдор давлатлар Катта Евросиё шериклиги иштирокчилари бўлиши мумкин [4].

Катта Евросиё ҳамкорлигининг географик ҳудуди ШХТнинг тўлақонли аъзоси ёки ушбу ташкилотда кузатувчи мақомига эга бўлган давлатлар ҳудудига амалда тўғри келишини кўриш осон. Шу нуқтаи назардан, ШХТни Катта Евросиё шаклланишини тартибга солишга қодир бўлган халқаро ташкилот ролига энг жиддий даъвогар сифатида кўриш мумкин. Бу муаммони ҳал қилиш учун, бир томондан, ШХТнинг мулоқот майдонини ва сони ортиб бораётган мамлакатлар ўртасидаги мунтазам ҳамкорликдаги нуфузни ошириш имконини берадиган юқори даражадаги мутаносиблик зарур. Бироқ, шу билан бирга, 1975 йилдаги Хелсинки Якуний акти каби универсал деб даъво қиладиган ҳужжатларни муддатидан олдин ишлаб чиқиш васвасасидан ҳушёр бўлиш керак. Бошқа томондан, ШХТ трансминтақавий ҳамкорлик мавзусидаги риторик машқлар учун шунчаки платформага айланиб қолмаслиги керак. Имкон бўлса, барча олдинги муваффақиятларни сақлаб қолган ҳолда, ШХТ хавфсизлик, савдо, экологик муаммоларни ҳал қилиш, маданий ва илмий-техникавий ҳамкорлик соҳаларида кўплаб келишувлар ва ташаббуслар учун инкубатор ўрнини ўз зиммасига олиши керак. Ушбу жараён ривожланиб бориши билан, минтақавий, минтақалараро ва трансминтақавий даражаларда, ва ниҳоят Катта Евросиёда расмийлаштирилган алоқалар, шериклик ва институтлар тармоғи шакллана бошлайди. Ҳар ҳолда, Ҳиндистон ва Покистон ШХТга тўлақонли аъзо сифатида қўшилиш арафасида воқеаларнинг бундай ривожланиши оптимал ҳисобланган эди.

ШХТнинг ривожланиш истиқболларига жаҳон сиёсатининг умумий динамикаси, жумладан, етакчи жаҳон кучлари ўртасидаги тобора кўпайиб бораётган қарама-қаршилиқ таъсир кўрсатаётгани шубҳасиз. Хитой ва Россияни таҳдид сифатида кўриб, ўз навбатида бу давлатларнинг энг муҳим манфаатларига таҳдид солиб, АҚШ, Россия-Хитой ўртасида стратегик ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Ушбу шерикликнинг ўзи ўз миқёси ва мақсадларига кўра норасмий иттифоққа тобора кўпроқ яқинлашиши мумкин, чунки шартлар ва барқарорлик давлатлараро

келишув доирасида тартибга солинмаган. Хитой ва Россия раҳбарларининг 2022 йил 4 февралдаги қўшма баёнотида таъкидланганидек, «Икки давлат ўртасидаги дўстликнинг чегараси йўқ, ҳамкорликда тақиқланган муҳитлар йўқ, икки томонлама стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлаш учинчи давлатларга қарши қаратилган эмас ва беқарор халқаро муҳит ва учинчи мамлакатлардаги вазият ўзгаришлари таъсирида эмас» [5].

Хитой ва Россия ШХТни Америка босимига қарши янада фаол равишда қўллаш учун кучли омилга эга эканлиги шубҳасиз эди. Бироқ ШХТ мамлакатлари раҳбарлари ШХТни кенг миқёсли манфаатларни ҳисобга оладиган ва Марказий Осиё чегараларидан ташқари барқарорлаштирувчи таъсир кўрсатишга қодир бўлган кўпроқ кенг томонлама ташкилотга айлантирадиган бошқа вариантни афзал кўрдилар. Ушбу танлов узоқни кўзлагандек сари кўринадиган, чунки ШХТ бошқа давлатлар ва минтақаларни геосиёсий ўзгаришларнинг кенгроқ шаклига жалб қилишга ёрдам беради, бунда Хитой, Россия ва Марказий Осиё давлатлари билан бир қаторда Ҳиндистон, Покистон ва Эрон ҳам муҳим роль ўйнашлари керак. Шу билан бирга, Россия ва Хитой ШХТ доирасида АҚШ бошчилигидаги альянсларга тўғридан-тўғри муҳолиф сифатида ҳаракат қилмаслигига келишиб олдилар деса ҳам бўлади.

Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш жараёнлари ШХТнинг келажақдаги ривожланиш йўналишини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнларни фаоллаштиришда президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат стратегияси ҳал қилувчи ўринни тутди. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли Қирғизистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Тожикистон билан чегара муаммоларининг муҳим қисмини ҳал қилишда муваффақиятга эришиш мумкин бўлди. Илгари Марказий Осиё мамлакатлари гуруҳида энг таранг бўлган Ўзбекистон-Тожикистон муносабатлари ҳозир жуда конструктив ривожланмоқда. Марказий Осиёда транспорт йўлларини ривожлантириш, инфратузилма ва энергетика лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги ишлар сезиларли фаоллашди, сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича мулоқотлар ривожланди. Бу Ўзбекистон ташқи сиёсатида

иқтисодий прагматизм кучайганлигини ўзида акс эттирди [6]. Тошкент Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг маслаҳат кенгашини тузиш ташаббуси билан чиқди; Ўзбекистон дипломатияси Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга фаол ҳисса қўшиб келди. Тошкентнинг ташқи сиёсатидаги кўп томонлама ёндашув АҚШ ва Европа Иттифоқи билан ҳам сиёсий мулоқот фаоллашганига ҳам ўз ифодасини топмоқда. Шу тариқа, Ўзбекистон Марказий Осиё ва ундан ташқарида нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама ҳамкорлик динамикасига сезиларли таъсир кўрсатишга қодир бўлган минтақадаги асосий давлат эканлигини яққол намоиш эта олди.

2018 йил 9-10 июнь кунлари Хитойнинг Циндао шаҳрида бўлиб ўтган ШХТга аъзо мамлакатларининг раҳбарлари «Марказий Осиё минтақаси давлатларининг сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини қатъий қўллаб-қувватладилар» [7], алоҳида ижобий хусусият билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашувига берилди (Остона, 2018 йил 15 март). Шундай қилиб, Циндао декларацияси Россия ва Хитойнинг бетарафлик мақомини сақлаб қолган Туркменистон ҳамда иштирок этаётган Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги шаклига муносабатини ойдинлаштириш имконини берди. Марказий Осиё минтақасининг мамлакатлари ўртасидаги давлатлараро муносабатлардаги муҳим янгиликлар Пекин ва Москва томонидан «Бир макон, бир йўл» ташаббуси, ЕОИИ доирасидаги интеграция жараёнлари ва ШХТ доирасидаги ҳамкорлик имкониятларига тўлиқ мос келади, деб баҳоланади.

Афғонистондаги вазият ШХТ учун қийин вазифа

ШХТнинг кенгайиши ва янги геосиёсий ўрни шароитида хавфсизлик масалалари янги миқёсларни ташкил қилмоқда. Бу штаб-квартираси Тошкентда жойлашган ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) фаолиятига тўлиқ тааллуқлидир. 2018-йилги Циндао декларациясида Хитой томонининг таклифларига мувофиқ МАТТнинг вазифалари «ёвузликнинг уч кучи» – терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш сифатида белгиланган.

ШХТнинг кенгайиши муносабати билан Марказий Осиё хавфсизлиги ҳеч қандай ҳолатда ўз аҳамиятини йўқотмайди. Аммо агар илгари Афғонистонга кўпроқ Марказий Осиё хавфсизлигини таъминловчи ташқи омил сифатида қараш мумкин бўлган бўлса, ҳозир бу мамлакатдаги вазиятни тартибга солиш ШХТнинг келгуси фаолияти учун ҳам бирдек аҳамият касб этмоқда. АҚШ бундан мустасно, Афғонистондаги келишувнинг барча ташқи иштирокчилари ШХТнинг тўлиқ аъзолари бўлиб ҳисобланади. Албатта, ШХТга аъзо бўлган айрим давлатларнинг манфаатларидаги тафовутлар Афғонистон ичидаги келишувнинг ўзига хос сиёсий ва ҳарбий параметрлари, «Толибон» ҳаракатининг бу жараёндаги ўрни сабаб бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаш мумкинки, келгусида Марказий Осиё хавфсизлиги ва Афғонистонда тинчлик ўрнатилишига ШХТ мамлакатлари томонидан икки алоҳида, гарчи ўзаро боғлиқ бўлса-да, бир жараён сифатида эмас, балки ягона жараён сифатида кўриб чиқилиши янада кучаяди. Минтақага халқаро террористик ташкилотлар ва тармоқ тузилмаларининг кириб келишига, уюшган жиноятчиликнинг кучайишига, гиёҳванд моддаларининг ноқонуний айланишига, экстремистик ғоялар ва ислом динини бузиб талқин қилинишнинг тарқалишига қарши курашиш муаммоларини самарали ҳал этиш комплекс ёндашувни тақозо этади.

Россия ҳам ШХТ мамлакатлари кўмагида Афғонистон ичидаги келишув излаш ишларига катта ҳисса қўшмоқда. Россияда «Толибон» ҳаракатининг расмий тақиқланиши давом этаётганига қарамай, Россия дипломатияси Афғонистондаги воқеаларни ҳақиқий баҳолашдан, ва шу билан бирга бу мамлакатдаги ҳарбий-сиёсий вазиятга таъсир этувчи асосий гуруҳлар билан мулоқот ўрнатишдан келиб чиқади.

Афғонистон ШХТ учун аниқ ва доимий устувор йўналишга айланиб бормоқда. Бу ерда, биринчи навбатда, ШХТ мамлакатлари ўртасида исломий террорчилик ва экстремистик гуруҳларга, биринчи навбатда, ИШИДга қарши курашиш масалалари бўйича юқори даражадаги ўзаро тушуниш муҳим аҳамиятга эга. Кобулдаги Толибон ҳукумати ҳам «уч ёвуз куч» Афғонистон барқарорлиги ва хавфсиз келажагига

бевосита таҳдид солаётганини тан олади. Умуман олганда, АҚШ ва НАТО кучлари Афғонистондан қочиб кетганидан кейин Толибон ҳукуматининг бир қатор ютуқлари ҳақида таъкидлаш мумкин. Толиблар асосан мамлакатни назорат қилиб келмоқдалар, улар гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашда етарлича самарадорликни намоиш этиб келмоқдалар. Шу тариқа, ШХТ мамлакатлари ва Афғонистоннинг янги ҳокимиятлари ўртасида хавфсизлик соҳасида ҳам, иқтисодий ҳамкорлик соҳасида ҳам ҳамкорликни кучайтириш учун асослар мавжуд. Навбатда Афғонистоннинг ўзи учун ҳам, ШХТ мамлакатлари ўртасида транспорт ва иқтисодий алоқаларни янада юқори даражада таъминлаш учун зарур бўлган инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишни бошлаш керак. Афғонистон энергетика лойиҳаларини ривожлантиришда жуда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Сиёсий жиҳатдан Афғонистон ҳукумати Хитой, Россия ва ШХТга аъзо бошқа давлатларнинг халқаро ёндашувларини қўллаб-қувватлайди ва шу билан бирга АҚШнинг мамлакатда узоқ вақт бўлиши оқибатларини ҳисобга олиб, Қўшма Штатларнинг ва коллектив Ғарб гегемонлик йўналишини рад этишини намоиш қилиб келмоқда. Айни пайтда ШХТ мамлакатлари Афғонистон ҳукумати билан ўзаро ҳамкорлик даражасини оширмоқдалар. Шу билан бирга, улар Толибон ҳукуматини Афғонистондаги этник озчиликлар манфаатлари ва аёллар ҳуқуқларини кўпроқ ҳисобга олишга ундайдиган таъсирга эга. Ниҳоят, бу йўналишдаги тараққиёт Афғонистон ҳукумати учун халқаро қонунийлигининг юқори даражасига эришиш, шу жумладан, ушбу мамлакатнинг ШХТга тўлиқ интеграциялашуви имкониятларини муҳокама қилиш имконини беради. Ўз навбатида, Афғонистоннинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва иқтисодий тикланишига ШХТ аъзо давлатларнинг асосий ва узоқ муддатли масъулияти сифатида қаралиши керак.

ШХТ ичидаги кучларнинг янги ўрни

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Ҳиндистон, Покистон ва Эронни қамраб олган ҳолда кенгайиши ҳам унинг сиёсий ва иқтисодий салмоғининг сезиларли даражада ошишини, ҳам ШХТ учун илгари периферик аҳамиятга эга бўлган давлатлараро қарама-қаршиликларнинг ушбу ташкилот томонидан муқаррар равишда ўзлаштирилишини англатади.

Ҳиндистон-Покистон рақобати ШХТ самарадорлигини сезиларли даражада заифлашишига олиб келиши мумкин бўлган энг жиддий муаммодир. Бироқ сўнгги йилларда Покистон ҳам, Ҳиндистон ҳам ўзаро келишмовчиликлар ШХТ фаолиятига салбий таъсир кўрсатмаслигини таъминлашга интилди. Эҳтимол, ҳар икки давлат раҳбарияти ШХТга аъзо бўлиш улар учун жиддий ташқи сиёсат ютуғи эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилгандир, айниқса Ҳиндистон оппозицияси (хусусан, Ҳиндистон миллий конгрессининг бир қатор таниқли арбоблари) Нарендра Модини Ҳиндистоннинг «шошилинич»лик билан ШХТга тўлақонли аъзо бўлгани учун танқид қилган эди [8]. Албатта, 70 йилдан ортиқ давом этаётган Ҳиндистон-Покистон можароси ШХТ шаклида ҳал бўлади деган умид ҳақиқатга тўғри келмайди. Бунга қарамасдан, Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТдаги иштироки ҳали ҳам икки давлат ўртасидаги ижобий ҳамкорлик соҳаларини кенгайтириши мумкин, бу эса вақт ўтиши билан Исломобод ва Нью-Дехли ўртасидаги туб келишмовчиликларни ҳал қилиш учун янада қулай муҳит яратиши мумкин.

Хитой-Ҳиндистон муносабатлари ҳам муаммоли бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга, Россия ҳам, Марказий Осиё давлатлари ҳам мавжуд қарама-қаршиликларни юмшатишдан, иложи бўлса, тўлиқ бартараф этишдан манфаатдордир.

Маълумки, Россиянинг собиқ бош вазири Евгений Примаков 1998 йилнинг декабрь ойида уч томонлама Россия-Ҳиндистон-Хитой (РХХ) мулоқоти ғоясини илгари сурган эди. Дастлабки ва деярли универсал шубҳасизликка қарамай, вақт ўтиши билан бу ғоя экспертлар ҳамжамияти томонидан тобора чуқурроқ муҳокама қилина бошлади ва 2006 йилда Санкт-Петербургда РХХ раҳбарларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди ва унда БРИК гуруҳининг шаклланиши (ҳозирда – БРИКС) амалга оширилди. Россия, Ҳиндистон ва Хитой ўртасидаги уч томонлама ҳамкорлик бугунги кунда БРИКСни қўллаб-қувватловчи асос бўлиб хизмат қилишда давом этмоқда. Худди шундай қилиб ШХТ учун ҳам ушбу уч томонлама шаклнинг аҳамияти ортиб бормоқда, бунда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги мувофиқлаштириш ўрни ҳам ортиб бормоқда.

Россия, Ҳиндистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва унинг ШХТга таъсирининг иккита сценарийси ҳақида таъкидлаш мумкин. Биринчи сценарийда ушбу учбурчакдаги энг ижобий хусусиятлар Россия-Хитой ва Россия-Ҳиндистон муносабатлари бўлади, Хитой ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар эса ўсиш ва пасайиш даврлари билан тавсифланган ҳолда янада муаммоли бўлади. Бундай ҳолда, Россиянинг роли ШХТ ва БРИССнинг жорий муаммолар бўйича РҲХ доирасида умумий назарга эришишга ёрдам беришдан иборат бўлади. Қулай шароитларда уч давлат муҳим халқаро муаммолар бўйича умумий нуқтаи назарни шакллантириши ёки иқтисодиёт ёки хавфсизлик соҳасидаги муайян инқироз жараёнларига ўз вақтида жавоб бериши мумкин бўлади. Иккинчи сценарий Катта Евросиёдаги геосиёсий ўзгаришларнинг умумий нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда РҲХ шаклида ҳамкорликни босқичма-босқич сифат жиҳатидан чуқурлаштириш ва кенгайтиришни назарда тутди. Бундай ҳолда, тахмин қилиш мумкинки, ШХТ вақт ўтиши билан Буюк Евросиё ҳамкорлигининг шаклланиши учун асос бўлади ва Россия, Ҳиндистон ва Хитой умумий инсоният тақдирини шакллантиришдаги асосий ўрнини биргаликда тушунишади.

Ҳозирги вақтда биринчи вариант янада ҳақиқий бўлиб кўринмоқда. Ҳиндистон ташқи сиёсатининг кўп тарафламалигини эълон қилган ҳолда, жаҳон сиёсатининг барча етакчи иштирокчилари дўстона муносабатларни ривожлантиришга интилаётган йирик давлат сифатидаги ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилмоқда. Бир қатор Ҳиндистонлик экспертлар Ҳиндистоннинг турли кўп томонлама ҳамкорлик шаклларида иштирокини сақлаб қолишни тавсия қиладилар, чунки бундай иштирок, биринчидан, унинг жаҳон миқёсидаги обрўйининг ўсишини тасдиқлайди, иккинчидан, унинг жиддий жаҳоншумул ўйинчи сифатида ҳамма жойда иштирок этиш зарурлигини акс эттиради [9].

Ҳамжиҳатлик асосида қарорлар қабул қилинадиган ҳар қандай халқаро ташкилотнинг кенгайиши сиёсий келишувлар жараёнининг маълум даражада мураккаблашишини англатади ва баъзи ҳолларда қабул қилинган қарорларнинг самарадорлиги ва таъсирлигини

чеклайди. Бу ҳолатда ШХТ ҳам бундан мустасно эмас. Ҳиндистоннинг 2023 йилда ШХТга раислиги анча самарали бўлди. Нью-Дехли саммитининг якуний декларациясида ШХТнинг ҳеч қандай давлат ёки давлатлар гуруҳига қарши эмаслиги қайд этилгани, Ҳиндистоннинг алоҳида хизмати ёки ташаббуси сифатида баҳоланиши керак эмас. ШХТ ўзининг кичик таркиби бўйича ҳам, мавжудлигининг дастлабки йилларида Ғарбга қарши иттифоқ эмас эди. Бироқ, Шанхай ташкилоти Ғарбга тегишли бўлмаган халқаро сиёсий институт бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда, у Глобал Жануб мамлакатлари ва халқларига муқобил йўл таклиф қилади.

Маълум маънода, Ҳиндистоннинг сўнгги йилларда АҚШ, Япония ва ғарбий лагернинг бошқа мамлакатлари билан яқинлашиш нуқтаи назаридан эришган ютуқлари, илгари Ҳиндистон ғарбий бўлмаган етакчи давлатлардан бири сифатида, яъни 2017 йилдан бери БРИКС асосчиси ва ШХТ аъзоси сифатида ўз обрўйини мустаҳкамлаганлиги билан осонлашди. Шу билан бирга, Вашингтоннинг Ҳиндистонни ўз ичига олган QUAD гуруҳини Хитойга қарши иттифоққа айлантиришга уринишлари жиддий хавф омилидир. Ҳиндистон ва Европа Иттифоқини Яқин Шарқ мамлакатлари ва Арабистон ярим ороли орқали боғловчи транспорт йўлини шакллантириш бўйича ишларнинг бошланиши ҳақидаги эълон Хитойнинг «Бир макон, бир йўл» ташаббусига қарши оғирлик яратиш сифатида тақдим этилди. Аммо Исроил ва ҲАМАС ўртасидаги уруш ва унинг узоқ муддатли оқибатлари катта эҳтимол билан ушбу лойиҳани тўсиб қўйишга олиб келади ва шу билан бирга «Шимол-Жануб» муқобил транспорт йўли ривожланиши давом этади.

АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳам Ҳиндистоннинг Россияга қарши қаратилган Ғарб санкциялари тузилмаларига қўшилиши ёки ҳеч бўлмаганда ҳарбий-техник ҳамкорлик ва энергетика савдосини қисқартириши, Ғарб томонидан Россия нефти учун ноқонуний равишда ўрнатилган «нархлар чегараси»га риоя қилиш учун жиддий босим ўтказмоқда. Шунга ўхшаш босим Ғарб томонидан Марказий Осиё мамлакатларига иккиламчи санкциялар қўллаш ва ёрдам дастурларини чеклаш таҳдиди орқали амалга оширилмоқда, бироқ буни Россия ва Хитой

томонидан Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётига кўрсатилаётган ёрдам даражаси билан солиштириб бўлмайди. Шу муносабат билан, ШХТга аъзо мамлакатларга мураккаб муаммоларни муҳокама қилиш ва ШХТни рақобатчи деб ҳисоблайдиган бошқа давлатларнинг ҳаракатлари натижасида юзага келган кескинликни бартараф этиш имконини берувчи ШХТ маслаҳатлашув механизмларининг аҳамиятини таъкидлаш лозим.

2023 йилнинг июль ойида бўлиб ўтган ШХТ саммити Эроннинг ташкилотга тўлақонли иштирокчи сифатида қабул қилиниши билан аҳамиятга эга бўлди. Бу воқеа ШХТ Яқин Шарқ минтақасида муҳим ўйинчига айланиб бораётганини англатади. Эроннинг ўзи учун ШХТга тўлақонли аъзолик халқаро яккаланишни бартараф этишнинг яна бир тасдиғи ва бу давлатнинг Катта Евросиёнинг халқаро ўзаро ҳамкорлиги тизимидаги ўрни ортиб бораётганининг тан олинисидир. ШХТнинг кенгайиши жаҳон тартибининг кескин жадал ўзгаришининг яна бир аломати ва дунёнинг аксарият давлатларининг бир гуруҳ мамлакатларга адолатсиз ва бир томонлама афзалликларни тақдим этган Ғарбий гегемонликнинг чуқур адолатсиз тизимини енгиш истаги сифатида қаралиши мумкин. Аммо, умумий глобал маънодан ташқари, ШХТнинг Эрон ҳисобига кенгайиши сайёра минтақасидаги турли даражадаги ўйинчиларнинг кучлар мувозанати ва ўзаро муносабатларидаги жиддий ўзгаришларни акс эттиради, бу жаҳон сиёсати ва геоиқтисодиёт учун ниҳоятда муҳимдир.

ШХТнинг 2023 йилдаги кенгайиши ҳақида таъкидлаганда, бу биринчи навбатда, Эрон ва Саудия Арабистони ўртасидаги муносабатларни яхшилашга катта ҳисса қўшган Хитой дипломатиясининг тинчликпарварлик борасидаги катта муваффақияти туфайли имкон бўлганини таъкидлаш лозим. Пекин бу натижага айнан Хитойда ҳар икки давлат Яқин ва Ўрта Шарқдаги вазиятни барқарорлаштиришдан манфаатдор кучли ва холис воситачини кўргани туфайли эриша олди. Замонавий дунёда АҚШ энди бу ўринга даъво қила олмайди. Вашингтоннинг Яқин ва Ўрта Шарқдаги воситачи сифатидаги сўнгги йирик ютуғи, яъни «Иброҳим келишуви» деб аталмиш келишувда Эронга қарши кураш бўлиб саналди, яъни минтақавий сиёсатнинг барча асосий

иштирокчиларига нисбатан холислик ўрнини атайлаб эътиборга киритмади.

Иккинчидан, Россия 2015 йилда Сурия можаросига аралашиб, Яқин ва Ўрта Шарқдаги вазиятни ўзгартиришга катта ҳисса қўшди. Қаттиқ куч сиёсатининг ва моҳир дипломатиянинг оқилона бирга ишлатилгани Москвага минтақанинг етакчи ўйинчилари билан муносабатларни мустаҳкамлаш ёки ҳеч бўлмаганда қуриш ва улар билан муносабатларда ўзаро манфаатларнинг янги қиёфасини ошириш имконини берди, гарчи бу ўйинчиларнинг ўзлари ўртасида шиддатли рақобатлашаётганига ва баъзан бир-бирлари билан очиқчасига душманлик бўлганига қарамай.

Россиянинг Эрон билан стратегик йўналтирилган муносабатларининг асоси Сурия можаросидаги ҳақиқий иттифоқчилик бўлиб, унинг бошланиши Эрон томонининг 2015 йилда Россияни можарога аралашишга ишонтиришга қаратилган муваффақиятли саъй-ҳаракатлари, шунингдек, Ғарбнинг кучли санкция босими ва айниқса АҚШнинг Россия ва Эрон хавфсизлигини бузишга қаратилган саъй-ҳаракатлари туфайли салбий асосда бирлашиш билан бошланди. Эронни таъкидлаб ўтадиган бўлсак, Жо Байден маъмуриятининг ядровий келишувга қайтишга қодир эмаслиги ва истамаслиги алоҳида аҳамиятга эга эди; бунинг ўрнига Техрон раҳбариятига босимни кучайтириш сиёсатини танлаб, Эрон Ислом Республикаси ҳукуматини беқарорлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар даражасига етди. Украинадаги можаро шароитида Эрон Россия учун жуда қимматли ва муҳим ҳамкорга айланди. Хусусан, Украинадаги жанговар ҳаракатларда Эроннинг учувчисиз учиш аппаратларининг «гўёки» етказиб берилиши муҳим ўринни ўйнаган, гарчи фақат ушбу етказиб беришлар билан чекланмаган бўлиши мумкин.

Яқин ва Ўрта Шарқдаги энг қудратли давлатлардан бири мақомини таъминлаган Эроннинг ҳарбий-сиёсий саъй-ҳаракатлари минтақавий кучлар мувозанатини ўзгартиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Ливаннинг сиёсий ҳаётидаги ҳукмронлигига қўшимча равишда (биринчи навбатда «Ҳизбуллоҳ» ҳаракати туфайли), кучли, аммо Москва билан Дамашқдаги Башшор ал-Асад ҳукуматига таъсири ва Ироқда барқарор мавжудлиги (хатто бир қатор шиа гуруҳлари билан қийинчиликларга қарамай), Техрон

Арабистон ярим оролидаги жараёнларга, айниқса Яман можаросига жуда муваффақиятли аралашди. Эрон томонидан қўллаб-қувватладиган ҳусийлар УУҚлар каби янги уруш воситаларидан самарали фойдаланган ҳолда Саудия Арабистони бошчилигидаги ҳарбий коалицияга муваффақиятли қаршилик кўрсатди. Ҳусийларнинг муваффақияти Ар-Риёдни Хитой воситачилигида Техрон билан музокара олиб боришга мажбур қилган энг муҳим омиллардан бири бўлди. Ниҳоят, Исроил ва ҲАМАС ўртасидаги уруш давом этар экан, ҳусийлар можарога таъсирини кучайтира бошладилар, бу эса 2023 йил охирига келиб Қизил денгиз ва Боб ул-Мандаб бўғози орқали ўтадиган кемалар ёрдамида Исроилга таъминотни деярли тўхтатиб қўйишига олиб келди ва АҚШ ва бошқа бир қатор давлатларни Яманнинг шиа-зайдиларининг «денгиз савдосига таҳдидларига» қарши курашишга қаратилган «Фаровонлик қўриқчиси» ҳарбий операциясини эълон қилишга мажбур бўлдилар.

Шундай қилиб, 2010 йиллар ва 2020 йилларнинг бошларида Эрон нафақат минтақавий кучлар мувозанатини тавсифловчи мураккаб мувозанатининг ажралмас қисми бўлиб қолмай, балки ўз таъсирини шу даражада оширишга муваффақ бўлдики, у йирик халқаро иштирокчиларнинг етарлича барқарор роли тарафи сифатида ҳаракат қилди. Ушбу ўринлардан бири – Россия-Ҳиндистон-Хитой учбурчаги ёки «Примаков учбурчаги» БРИК (кейинчалик БРИКС) нинг шаклланиши ва 2017 йилда ШХТнинг кенгайиши учун асос бўлди. Россия-Туркия-Эрон учбурчаги Сурия можаросида асосий ўринни эгаллаб, можаронинг энг хавфли ва қонли босқичларидан чиқишга, шунингдек, АҚШ ва Ғарбнинг ўринларини нисбатан заифлаштиришига ёрдам берадиган манфаатлар мувозанатини топишга имкон берди. Эроннинг ШХТга аъзо бўлишини Россия, Хитой ва Эрондан иборат бошқа ўйинчилар ўрнининг таъсири кўрсаткичи сифатида кўриш мумкин. Бу учбурчакни бирлаштирувчи куч, биринчи навбатда, АҚШнинг душманлик муносабатидир, лекин шу билан бирга, учбурчак ичида кучайиб бораётган ўзаро таъсир аста-секин ижобий сиёсий ва иқтисодий мазмун билан тўлдирилиб келмоқда [10].

Россия-Хитой-Эрон учбурчаги аъзолари гегемонлик сиёсатини олиб борувчи супер давлатга нисбатан қўшма

ҳаракатлар бўйича қатъий мажбуриятларга эга бўлган гуруҳ эмас. Бироқ, АҚШ томонидан юзага келадиган умумий таҳдидларни тушуниш ушбу учбурчак иштирокчиларининг ўзаро таъсирини «юмшоқ мувозанат» [11] орқали гегемон сиёсатини у билан тўғридан-тўғри қарама-қаршилиқ ҳаражатларисиз тўсиб қўядиган тарзда мувофиқлаштиришга ундайди. Юмшоқ мувозанатлаш гегемон куч босимиға қарши туриш учун халқаро институтлар, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва дипломатик келишувлар каби ноҳарбий воситалардан фойдаланади [12]. Россиянинг Украинадаги ҳаракатлари (хусусан, Россия ва Эрон ўртасидаги) вақтидаги ўзаро алоқаларни ҳисобга олсак, шуни таъкидлаш мумкинки, «юмшоқ мувозанат» асбоблар тўплами Вашингтоннинг «қизил чегараси»дан ўтмайдиган даражада амалга ошириладиган ҳарбий-техник ҳамкорликни ҳам ўз ичига олади. Геоиқтисодий ва геостратегик жиҳатларни ҳам ҳисобга олиш керак, чунки айнан Эрон ҳудудида Хитой «Бир макон, бир йўл» ташаббуси ва Шимол-Жануб халқаро транспорт йўлининг савдо ва инфратузилмани ривожлантириш лойиҳаларининг асосий векторлари ўтади, уларнинг сўнгги нуқталари Россия ва Ҳиндистонда жойлашган.

Шубҳасиз, ШХТ таркибида бундай учбурчаклар ёки давлат иштирокчиларининг бошқа ўрни мавжудлигини янги норма деб ҳисоблаш керак. Бу ҳолат бутун ШХТнинг ҳам, унинг алоҳида аъзоларининг ҳам мақсадларига эришишга хизмат қилиши муҳим. Тахмин қилиш мумкинки, келажакда янги ўринлар пайдо бўлади ва Ўзбекистон уларда Россия, Хитой, Ҳиндистон ва Эроннинг Марказий Осиёдаги асосий ҳамкори сифатида иштирок этиш учун шубҳасиз даъвогар бўлиб ҳисобланади.

Хулоса

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг аъзолари Ҳиндистон, Покистон ва Эрон билан ортиб бориши, унинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг аъзолари Ҳиндистон, Покистон ва Эрон билан ортиб бориши, унинг фаолиятига оптимизм билан қараш мумкиндир. ШХТнинг кенгайиши ва ташкилот самарадорлиги унинг аъзоларининг ички қарама-қаршиликлари туфайли ҳаракатсизликка олиб келмади. Бундан ташқари баъзи Россиялик таҳлилчиларнинг ШХТ «борган сари дабдабали, шу билан бирга мазмунсиз ва

фойдасиз ташкилотга» айлана бошлаши [13], унинг фаолиятига қизиқиш аввал Хитой, кейин эса бошқа Евросиё давлатлари томонидан йўқоладигани тўғрисидаги башоратлари амалга ошмади.

Аксинча, ШХТнинг 2017 йили ва 2023 йилда кенгайиши жаҳон сиёсати учун кўп марказли дунё тартибини шакллантириш, жаҳон иқтисодиёти учун эса транспорт йўллари диверсификация қилиш ва ғарбий бўлмаган кучлар фойдасига глобал қўшилган қиймат занжирларини янада қайта қуришни англатарди [14].

Умуман олганда, ШХТ ғарбий бўлмаган дунё ёки жаҳон кўпчилигининг ривожланаётган ҳамкорлик тармоқларининг асосий элементларидан бирини ифодалайди дейишга асослар етарли. ШХТнинг БРИКС, «Бир макон, бир йўл», Осиё инфратузилма сармоя банки, Евросиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) ва ҳоказолар каби ғарбий бўлмаган бошқа тузилмалар ва ташаббуслар билан алоқаси катта аҳамиятга эгадир. Ушбу тармоқ меғашаклида, элементлар ўртасида янада самарали меҳнат тақсимотига интилиш, шунингдек, агар керак бўлса, уни янги тузилмалар билан тўлдириш муҳимдир. Масалан, ШХТ доирасида иштирокчи давлатларнинг макроиқтисодий сиёсатини мувофиқлаштиришга эришиш жуда қийин. Аммо бу муаммони Хитой, Россия ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик шаклида ҳал қилиш мумкин. ШХТнинг барча аъзоларининг тўлақонли аъзолиги билан ҳали ҳам ҳал қилиш қийин бўлган, аммо Хитой, Эрон, Ўзбекистон ва ЕОИИ мамлакатлари (жумладан, Беларус) таркибида сезиларли ютуқларга эришиш мумкин бўлган аниқ вазифаларга инвестицион ҳамкорликни янада либераллаштиришни таъкидлаш мумкин. Шу билан бирга, Хитой, Россия, шунингдек, Эрон, Ғарбнинг Марказий Осиёдаги иқтисодий ҳамкорликка путур етказиш уринишларини, хусусан, бирламчи ва иккиламчи санкцияларни қўллаш ҳамда ушбу ҳудуд мамлакатларининг сиёсий ва иқтисодий элитасига босим ўтказиш йўли билан боғлиқ масалалари бўйича биргаликда тўсқинлик кўрсатишлари мумкин. Технологик стандартларни яқинлаштириш, янги технологияларни ишлаб чиқишни рағбатлантириш ва тартибга солишнинг умумий механизмларини яратиш, Хитой ва ЕОИИ давлатларининг технологик ривожланишига тўсқинлик

қилишга қаратилган ташқи аралашувнинг олдини олиш ҳам долзарбдир. Бу ҳамкорлик шакллари очиқ сақлаш, улар тайёр бўлиши биланоқ уларни ШХТга аъзо бошқа мамлакатларга ҳам кенгайтириш имконини бериш муҳим.

ШХТнинг тўла ҳуқуқли аъзоси энергетикани ҳар томонлама ривожлантириш, Марказий Осиё, Покистон, Ҳиндистон учун долзарб муаммо бўлган қувват танқислигини бартараф этиш, қувват етказиб беришнинг янги йўналишларини ривожлантириш, турли хил қувват манбаларининг ягона технологик ва иқтисодий тизимига (углеводородлар, атом энергетикаси, гидроэлектр ресурслари, қайта тикланадиган қувват) боғлаш билан боғлиқ кейинги қадамларни ишлаб чиқиш, ва шунингдек, иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳасида мувофиқлаштирилган ва ижтимоий нуқтаи назардан ҳақиқий ёндашувларни шакллантириш асослидир. Унинг аҳамияти Нью-Дехлида бўлиб ўтган саммитда 2024 йилни ШХТнинг «Экология йили» деб эълон қилиш тўғрисидаги қарори билан тасдиқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бордачёв Т.В. Новое евразийство // Россия в глобальной политике. 2015. № 5. С. 194–205.
2. Ефременко Д.В. Рождение Большой Евразии // Россия в глобальной политике. 2016. № 6. С. 28–45.
3. Караганов С.А. С Востока на Запад, или Большая Евразия. Россия в глобальной политике. 25.10.2016. – URL: <http://www.globalaffairs.ru/pubcol/S-Vostoka-na-Zapad-ili-Bolshaya-Evraziya-18438> (кириш санаси: 23.02.2024).
4. Путин призвал создать Большое евразийское партнерство. 17 июня 2016. – URL: <https://tass.ru/ekonomika/3376295>. (кириш санаси: 23.02.2024).
5. Совместное заявление Российской Федерации и Китайской Народной Республики о международных отношениях, вступающих в новую эпоху, и глобальном устойчивом развитии. 04.02.2022. – URL: <http://www.kremlin.ru/supplement/5770> (кириш санаси: 23.02.2024).
6. Makhmudov R. Foreign Policy of Contemporary Uzbekistan. Russia and New States of Eurasia. 2021. No. I, pp. 121-134.
7. Циндаоская декларация Совета глав государств – членов Шанхайской организации сотрудничества. 10.06.2018. – URL: <http://www.kremlin.ru/supplement/5315> (кириш санаси: 27.02.2024).

8. «Индия идет по канату над пропастью, и периодически кажется, что падение неизбежно». Экс-замглавы МИД страны Шаши Тарур — о попытках балансировать между мировыми державами. – Коммерсант, 22.02.2024. URL: <https://www.kommersant.ru/doc/3859730> (кириш санаси: 23.02.2024).
9. Unnikrishnan N., Purushothaman U. Indian Approaches to Multilateral Cooperation and Institutions in Eurasia. – URL: Russia in Global Affairs. 09.03.2024. URL: <https://eng.globalaffairs.ru/valday/Indian-Approaches-to-Multilateral-Cooperation-and-Institutions-in-Eurasia-19932> (кириш санаси: 23.02.2024)
10. Tabatabai A., Esfandiary D. *Triple-Axis: Iran's Relations with Russia and China*. Bloomsbury Publishing, 2018. 256 p.
11. Ferguson C. The Strategic Use of Soft Balancing: The Normative Dimensions of the Chinese–Russian 'Strategic Partnership'. *Journal of Strategic Studies*. 2012. Vol. 35, no. 2, pp. 197–222.
12. Papageorgiou M., Eslami M., Duarte P.A. A 'Soft' Balancing Ménage à Trois? China, Iran and Russia Strategic Triangle vis-à-vis US Hegemony. *Journal of Asian Security and International Affairs*. 2023. Vol. 10, Issue 1, pp. 65-94. <https://doi.org/10.1177/23477970231152>
13. Габуев А. Больше, да хуже. Как Россия превратила ШОС в клуб без интересов. -17.06.2017. URL: <https://carnegie.ru/commentary/71212> (кириш санаси: 23.02.2024).
14. Дисэн Г. Геоэкономика Китая и «новая холодная война». – Россия в глобальной политике. 26.12.2018. – URL: <https://globalaffairs.ru/valday/Geoeconomika-Kitaya-i-novaya-kholodnaya-voyna-19890> (кириш санаси: 23.02.2024).